

Тушунтиришни  
тушунишни  
истайдигангагина  
қўллаш  
мумкин

# Zarafshon

«Zarafshon» gazetasi 1997-yil 1-yanvarda nashr boshlagan



www.zarnews.uz



https://www.facebook.com/zarnews.uz



@zarnews\_uz



https://twitter.com/zarnews\_uz

Самарқандда Туркий давлатлар ташкилоти туризм соҳаси вакиллари ишчи гуруҳининг 16-йиғилиши бўлиб ўтди

## САМАРҚАНД УЧУН СИНОВ ЙИЛИ

Президент Шавкат Мирзиёев ҳудудлар ривожини билан яқиндан танишиш мақсадида 10 февраль куни вилоятимизда бўлди.

Давлатимиз раҳбари ҳар гал Самарқандга ташрифт буюриб, ҳудудни ижтимоий-иқтисодий ривожлантириш, аҳоли учун муносиб турмуш шароити яратиш бўйича лойиҳалар билан танишганида, фаоллар билан учрашганда вилоятнинг туристик салоҳиятидан самарали фойдаланиш, мазкур тармоқни иқтисодийнинг асосий драйверларидан бирига айлантиришга эътибор қаратади. Шу билан бирга бу ердаги муқаддас қадамжоларни обод қилиш, буюк аجدларимиз маънавий меросини ўрганиш ва тарғиб қилишга, ёш авлодни уларга муносиб бўлишга даъват этади.

Шавкат Мирзиёевнинг 2019 ва 2021 йиллардаги ташрифтларида ҳам бу жиҳатлар устувор аҳамият касб этиб, бир қатор янги лойиҳалар белгиланганиди. Шу асосида Самарқандда халқаро аэропортни модернизация қилиш, эшак эшиш канали атрофида Самарқанд туризм марказини қуриш, Имом Бухорий мажмуасини реконструкция қилиш, шаҳар йўллари кенгайтириш ва коммуникация тармоқларини янгилаш, аҳолининг уй-жойга бўлган эҳтиёжини қондириш мақсадида янги турар жой массивлари бунёд этиш каби ишлар бошланган. Ушбу қурилиш-бунёдкорлик ишлари натижасида Самарқанд қиёфаси кун сайин ўзгариб замонавий кўриниш касб этмоқда.

### САМАРҚАНД АЭРОПОРТИДА "ОЧИҚ ОСМОН" РЕЖИМИ ЖОРИЙ ЭТИЛАДИ

Давлатимиз раҳбарининг бу галги ташрифи Самарқанд халқаро аэропортида яратилаётган шароитларни кўздан кечиришдан бошланди. Маълумки, бу «хаво дарвозаси» қарийб 83 миллион долларлик лойиҳа эвазига янгидан қурилмоқда. Утган йили учиб-қўниш йўлаги қайта қурилган эди. Бугунги кунда янги терминал тўлиқ тикланиб, пардозлаш ишлари олиб борилмоқда. Йўл, автотураргоҳ ва ёритиш устунлари барпо этилмоқда.

Мирзо Улугбекнинг буюк мероси Самарқанднинг тимолига айланган. Шу боис янги аэропорт биноси аллома бобоимининг «Зижи жадиди Кўрағоний» китоби шаклида барпо этилган. Терминалнинг эни 175, баландлиги 25 метр. Бир соатда 800 нафар йўловчига хизмат кўрсатиш қувватига эга бўлади.

Янги Ўзбекистоннинг Тараққиёт стратегияси ва уни 2022 йилда амалга ошириш бўйича давлат дастурида белгиланганидек, жорий йилнинг мартага қадар Самарқанд халқаро аэропортини йирик транспорт хабарга айлантириш чора-тадбирлар дастури ишлаб чиқилади. Бунда маҳаллий йўналишлар бўйича парвозлар сони ҳафтага 7 тадан 20 тагача, географияси 4 та йўналишдан 5 тагача оширилади. Халқаро йўналишлар бўйича парвозлар сони ҳафтага 25 тагача, географияси 4 та йўналишдан 8 тагача кўپайтирилади. «Очиқ осмон» режимини жорий этиш 8 та хорижий авиакомпанияни жалб қилиш ва 17 та янги мунтазам халқаро йўналишларни йўлга қўйишни назарда тутлади.

Янги терминални келгуси ойда фойдаланишга топшириш режалаштирилган.

### ЗИЁРАТГА ИМОМ БУХОРИЙ ШУҲРАТГА МУНОСИБ БЎЛАДИ

Президент Шавкат Мирзиёев, анъанага кўра, буюк муҳаддис Имом Бухорий қабрини зиёрат қилди.

Куръон тиловат қилинди.

Давлатимиз раҳбари мажмуа қурилишини кўздан кечирди. Бу ерда қарийб 10 минг намозхонага мўлжалланган масжид, тўртта минара, айвонлар барпо этилмоқда.

Мақбаранинг ўнг томонида, еростида галерея қурилмоқда. Бу ерда зиёратчилар аллома қабрини кўриш имкониятига эга бўлади. Мақбара наққошлик ва хатотлик санъати асосида сайқалланади. Унинг деворларига қадимий услубда Қуръонни қарим суралари ва ҳадислар ёзилади. Шу ерда галдаги қурилиш ишлари ҳақида маълумот берилди. Мажмуа ёнида меҳмонхоналар, автотураргоҳ, автобекет, ошоналар, савдо расталари, таҳоратхона барпо этилади.

Президент назарни сифатли қуриш, кўп сонли



зиёратчиларга замонавий қулайликлар яратиш бўйича кўрсатмалар берди.

### САМАРҚАНДДА ЙЎЛ ИНФРАТУЗИЛМАСИ ТАКОМИЛЛАШТИРИЛИШИ КЕРАК

Шавкат Мирзиёев Самарқанд шаҳрининг Бўстонсарой ва Рудакий кўчалари кесиммасида қурилган туннельни бориб кўрди.

Бу икки кўча шаҳардаги энг катта, серкатнов йўللاردан. Туннель қурилиши натижасида транспортлар ҳаракатига қулайлик ошиб, тирбандлик бартараф бўлди. Унинг узунлиги 120, кенглиги қарийб 27 метр.

Рудакий кўчасида автомобиль ва трамвай йўли, пиёдалар ва велосипед йўлаклари қурилди. Худуд ободонлаштирилди.

Шу ерда Самарқандда йўл инфратузилмасини яхшилаш бўйича келгуси режалар ҳақида маълумот берилди.

– Охириги йилларда Самарқанд ҳар томонлама ривожланипти. Лекин ҳали одамларга қулайлик ва хавфсизлик жиҳатида кўп иш қилиш керак. Бу ерда ҳам йил сайин машиналар кўпаяпти. Йўللар, светофорлар эса деярли ўша-ўша. Шунинг учун бу соҳага ихтисослашган илмий-амалий марказ ташкил қилиш мақсадида мувофиқ, Улар хориж тажрибасини ўрганиб, жорий этиши, қайси йўлни кенгайтириш, қаерда йўлак қуриш, қаерда светофорни олиб ташлаш бўйича таклиф ишлаб чиқиши керак, – деди Президент.

Шавкат Мирзиёев мазкур туннель яқинида, Бўстонсарой кўчасида қурилган галерея услубидаги кўприкни ҳам кўздан кечирди.

Шу пайтгача йўлнинг Сиёб канали устидан ўтган қисми анча паст бўлиб, ёгингарчилик пайтида транспорт ва пиёдалар учун ноқулайлик туғдирарди. Шу боис йўл 23 метргача кўтарилиб, эни 31 метргача кенгайтирилди. Йўлнинг икки четида химоя воситаси, шовқин камайтирувчи тўсиқлар ўрнатилди. Пиёдалар ва велосипед йўлаклари барпо этилди.

Давлатимиз раҳбари аини пайтда давом этаётган сўнги юмшларни сифатли яқинида етказиш, йўлнинг фойдаланиш қувватини ошириш ва худудда ободонлаштириш ишларини олиб бориш бўйича масъулларга топшириқлар берди.

### КЎЗИ ОЖИЗ БОЛАЛАР УЧУН БОҒЧА ҚУРИЛАДИ

Ташриф дастуридан ўрин олган навбатдаги манзил – Самарқанд шаҳридаги 59 мактаб-интернат бўлди.

Бу муассаса 1974 йилда қурилган, 2009 йилда капитал таъмирланган. Ҳудуд бинолари, ётоқхона ва ошонада зарур шароитлар яратилган. Ҳозирги кунда муассасада 259 нафар кўзи ожиз болалар билан олмақда.

Мактабда фанлар ва мусиқа тўғрақлари йўлга қўйилган. Қўллаб-қўувчилар санъат ва спорт

йўналишларида халқаро миқёсда муваффақиятларга эришган. Утган йили мактаб-интернатни тамомлаган 19 нафар ёшдан 9 нафари олий таълим муассасаларига ўқишга кирган.

Давлатимиз раҳбари ўқувчи ва ўқитувчилар билан суҳбатлашди. Мураббийлар 2003 йилда, Шавкат Мирзиёев Самарқанд вилояти ҳокими бўлган пайтда ҳам бу ерга келганини ёдга олишди. Мактабдаги шароитлар, ўқишга киришдаги имтиёзлар учун миннатдорлик билдирди.

– Ҳамма ҳаракатларимиз тагида инсон қадрини улуғлаш мақсади бор. Бугун бу ерга сизларнинг хоҳиш-истакларингиз, муаммоларингизни билиш учун келдим. Мақсадимиз – яқши ўқиб, ишлаб, жамиятда ўрин топилиши учун шароит яратиш, – деди Шавкат Мирзиёев.

Ўқитувчилар брайль алифбосидаги янги дарсликлар, айниқса, чет тили бўйича китоблар, компьютер клавиатуралари этиштириганини айтди. Имконияти чекланган болалар билан ишлаш малақасига эга педагоглар ҳам кам.

Президентимиз буларнинг ҳаммасини инобатга олиб, кўзи ожиз инсонлар учун имкониятлар кенгайтирилишини таъкидлади.

– Шундай қарор қабул қиламизки, аввало мактабларнинг ўзида ўқувчилар касбга ўргатилади. Ҳар бир олийгоҳда, ташкилотда кўзи ожиз инсонлар учун алоҳида ўринлар бўлади. Бу соҳадаги энг катта қийинчиликлардан бири – мактабга таълим. Шунинг учун ҳар бир мактаб-интернат ёнида боғча ҳам қуриш керак, – деди давлат раҳбари.

Бу борада ҳужжат лойиҳасини ишлаб чиқиш бўйича мутасаддиларга кўрсатма берилди.

### ТАРИХИМИЗ, МАДАНИЯТИМИЗ НАМОЁН БЎЛАДИГАН МАСКАН

Давлатимиз раҳбари «Silk road Samarkand» туризм маркази қурилиши билан танишди.

Бу улкан мажмуа Самарқанд туманидаги эшак эшиш канали бўйида барпо этилмоқда. Лойиҳанинг қиймати 381 миллион долларни ташкил этади. Бугунги кунда 8 та меҳмонхона, конгресс-холл, «Абадий шаҳар» карвонсаройи қурилмоқда. Меҳмонхоналарнинг икkitаси 22 қаватли, беш юлдузли, қолганлари тўрт юлдузли бўлади.

Шавкат Мирзиёев мутасаддиларга бу ерда замонавий хизматларни йўлга қўйиш бўйича кўрсатмалар берди.

– Бизда туристлар келиб томоша қиладиган бино ва обидалар кўп. Лекин хизматлар тури кам, сифати паст. Бу марказда кўп тармоқли хизмат кўрсатиш йўлга қўйилиши керак. Туризм соҳасида ўқиётган талабалар шароити ерга келиб, амалиёт ўташи зарур, – деди Шавкат Мирзиёев.

Президентимиз «Абадий шаҳар» карвонсаройини ҳам кириб кўрди. Бу жой юртимизнинг қадимий шаҳарларини эслатади, халқимизнинг меъморий анъаналари, амалий санъат турлари, миллий таомлар, қадимий бозорларимиз кўринишини мужассам этади.

– Бу ерда тарихимиз, маданиятимиз намоён бўлади, одамлар болалари билан келиб кўради. Шунинг учун бинолардаги беазалар, ранглар меъёрида, миллийлигимизга хос бўлиши керак. Карвонсарой ҳовлисида ҳунармандлар растасини ташкил қилиш ҳам мумкин, – деди Президент.

### ЭНДИ МАҲАЛЛАНИНГ "ИККИ ҚАНОТИ" БОР

Давлатимиз раҳбари Жомбой туманидаги «Тошкент» маҳалла фуқаролар йиғинида бўлди.

Худудда 4 мингдан ортиқ аҳоли яшайди. Ўндан ортиқ дўкон, маиший хизмат шохобчалари, ошхона ва қандолат цехида хотин-қизлар ва ёшлар иш билан банд. Минг ўринли мактаб, мусиқа ва санъат мактаби, 600 ўринли болалар боғчаси бор. Маҳалла марказида ташкил этилган ўқув масканида шу ерлик ишсиз аёлларга тикувчилик силрлари ўргатилади.

Маълумки, мамлакатимизда маҳаллабай ишлаш бўйича янги тизим жорий этилди. Шу асосида Жомбой туманидаги 38 та маҳаллага ҳам ҳоким ёрдამчилари ва ёшлар етакчилари тайинланди. Президентимиз улар билан суҳбатлашди.

Ҳоким ёрдამчилари ва ёшлар етакчилари ўзлари масъул маҳалладаги ўрганиш натижалари, муаммоларни ҳал этиш бўйича режаларини сўзлаб берди. Ёрдამга муҳтож оилалар аъзолари касб-ҳунар ва тадбиркорликка ўқитилиши, ўзини ўзи банд қилиш учун имтиёзли кредит ва субсидия берилиши, деҳқон хўжалиги учун ер майдонлари ажратилиши айитлиди.

Бу йил Жомбойда маҳаллабай тизим орқали тадбиркорликни ривожлантириш ва аҳоли бандлигини таъминлаш учун 62 миллиард сўм имтиёзли кредит ва 4,5 миллиард сўм субсидия ажратилиши кўзда тутилган.

Ёшларнинг бўш вақтини мазмунли ўтказиш, спортга жалб этиш, ватанпарварлик руҳида тарбиялаш ҳам муҳимлиги таъкидланди.

### ХАЛҚИМИЗ АМАЛИЙ НАТИЖАЛАР КУТАЯПТИ

Президент Шавкат Мирзиёев Самарқанд вилоятига ташрифи яқинида ҳокимлар ва сектор раҳбарлари иштирокида йиғилиш ўтказди.

Танқидий руҳда ўтган йиғилишда шаҳар ва туманлардаги долзарб иқтисодий-ижтимоий масалалар кўрсатиб ўтилди. Айрим ҳокимлар порахўрлик, таниш-билишчиликка йўл қўйган, одамлар дардига беътибор бўлган. Зарур маблағлар ажратилган бўлса-да, ичимлик суви, иссиқлик ва электр таъминотини яхшилаш ишлари сурст ташкил этилган.

Сув тежовчи технологиялар жорий қилиш учун ажратилган субсидия маблағлари мақсадсиз ишлатилган. Вилоят банкларида муаммоли кредитлар ҳажми ортган, кредитларни нотўғри ажратиш, имтиёзли кредитларга мўлжалланган маблағларни талон-тароҷ қилиш ҳолатлари аниқланган. Йўл-транспорт ҳодисалари, жиноятлар сони ошган.

Ўз фаолиятида масъулятсизликка, жиддий хато ва камчиликларга йўл қўйгани учун Самарқанд тумани ҳокими Н.Мавлонов, Нуроб тумани ҳокими Ф.Заиров, Марказий банкнинг вилоят бошқармаси раҳбари О.Тўхтаев, Оқдарё тумани прокурори Д.Кубаев, Самарқанд шаҳри, Самарқанд ва Оқдарё туманлари ички ишлар бўлимлари бошлиқлари Ж.Қодиров, Ф.Гафаров ва Д.Ибрагимов, Ургут ва Пайариқ туманлари давлат солиқ инспекциялари бошлиқлари А.Алмазов ва М.Эргашев, вилоят электр тармоқлари корхонаси раҳбари Ф.Маматқўлов ишдан олинди.

– Марраларимиз жуذا оқори, халқимиз биздан амалий натижалар кутапти. Мана, бугун ўн нафар раҳбарни ишдан олдим. Бундан бунён ишламаган раҳбарларга чора жуда қаттиқ бўлади. Бундан ҳамма ҳулоса қилиши керак. Бу йил Самарқанд учун синов йили бўлади, – деди Шавкат Мирзиёев йиғилиш яқинида.

(ЎзА хабарлари асосида тайёрланди)



Ушбу ташкилотга аъзо ва кузатувчи давлат раҳбарларининг 2021 йил 12 ноябрда Истанбул шаҳрида бўлиб ўтган учрашувида Ўзбекистон Республикаси Президенти Ш.Мирзиёев томонидан "Табаррук зиёрат" лойиҳаси доирасида қўша йўл харитасини ишлаб чиқиш ва "Қўқон - Туркий дунё туризм пойтахти" мақоми орқали ҳамкорликда ҳунармандлар кўргазмалари, этноспорт мусобақалари ҳамда маданий меросни сақлаш ва таъмирлаш каби тадбирларни ташкил этиш ташаббуслари илгари сурилган.

Туркий давлатлар ташкилоти қотибати ва Ўзбекистон республикаси туризм ва спорт вазирлиги ҳамкорлигида юқоридаги ташаббусларнинг ижроси бўйича 2022 йилнинг 9-10 февраль кунлари Самарқанд шаҳрида ташкилот вакиллари билан ишчи гуруҳ йиғилиши ўтказилди.



Тадбирда Туркия, Озарбайжон, Қозоғистон, Қирғизистон, Ўзбекистон делегациялари бевосита ва Туркменистон, Венгрия вакиллари онлайн қатнашди.

– "Табаррук зиёрат" лойиҳаси доирасида ташкилотга аъзо ва кузатувчи давлатлар ўртасида туризм соҳасида ўзаро ҳамкорликни ривожлантириш назарда тутилган, – дейди Туркий кенгаш бош қотиби ўринбосари Мирвоҳид Азимов. – Бунда, халқаро армарка, кўргазмалар, фестиваллар, миллий спорт мусобақаларини ҳамкорликда ўтказиш, Ўзбекистондаги халқаро илмий марказлар ва ташкилотга аъзо давлатлардаги илмий марказлар ўртасида ҳамкорликни ривожлантириш масалалари ишчи гуруҳ томонидан муҳокама қилинди.

# МОЛИЯВИЙ МУСТАҚИЛЛИК

# НИМА БЕРАДИ?

Шарқ гавҳари – Самарқанд азалдан илм-маърифат бешиги бўлиб келган. Чунки бу заминдан жаҳон илм-фани тамаддунига муносиб ҳисса қўшган буюк алломалар, мутафаккирлар етишиб чиққан. Ўтган икки Ренессанс даврида ҳам бу юртга жаҳоннинг турли ҳудудларидан илм, маърифат истаб келувчилар кўп бўлган.

Самарқанддек азим шаҳарнинг ўтмиши ва буюк алломалари, бугун ривожланаётган илм-фан ҳақида фикр юритар эканмиз, янги Ўзбекистонда учинчи Ренессанс пойдевори яратилаётгани, эртани эгалари бўлган ёшларни хар томонлама етук кадрлар этиб тайёрлаш борасида Президентимиз ташаббуси билан туб ислохотлар олиб борилаётганига тўхталмасликнинг иложи йўқ.

Самарқанддан асимининг асаларилик, балиқчилик ва паррандачилик кафедраси ўқув лабораторияси, анатомия музейи ҳамда хайвонлар сақланган веварийси, Самарқанд давлат чет тиллар институтининг замонавий ўқув бинолари, Самарқанд давлат тиббиёт институтининг 800 ўринли замонавий лабораторияларга эга янги ўқув биносини алоҳида таъкидлаш мумкин.

Давлатимиз раҳбарининг 2021 йил 24 декабрдаги "Давлат олий таълим муассасаларига молиявий мустақиллик бериш чора-тадбирлари тўғрисида"ги қарори асосида юртимиздаги 35 та давлат олий таълим муассасаларига молиявий мустақиллик берилди. Шулар қатори СамДУ, СамДҚТИ, СамДТИ ва СамИАСИГА мустақил тарзда фаолият олиб бориш ҳуқуқининг берилгани тайёрланаётган кадрлар сифати ва салоҳиятини оширишга ижобий таъсир кўрсатиши, шубҳасиз.

Мазкур қарорда, олий ўқув юртининг фаолият соҳаларида бир қатор ўзгаришлар амалга оширилиши белгиландики, бу тўлов-контракт асосида ўқитиш қийматини таълим хизматлари бозоридида талаб ва таклифдан келиб чиқиб, бироқ базавий тўлов-контракт қийматининг 3 бараваридан ортиқ бўлмаган миқдорда белгиланган замин яратди.

Талабаларнинг тўлов-контракт маблағларини тўлаш муддатларини белгилаш ва узайтириш ваколатлари эга бўлди. Энди таълим жараёнига замонавий педагогик технологияларни қўллаш оладини ва илмий изланиш олиб борадиган маҳаллий ҳамда хорижий профессор-ўқитувчи ва мутахассисларни шартнома асосида жалб қилиш имкониятини кенгайтирди.

Бундан ташқари, мавжуд олий-гоҳларнинг моддий-техника базасини замон талаблари даражасига етказиш, уларда фаолият кўрсатаётган профессор-ўқитувчиларнинг илмий салоҳиятини ошириш борасида ҳам амалий ишларга қўл урилмоқда. Олийгоҳлардаги мавжуд ўқув базалари, лабораториялар, аудиториялар, фан кабинетлари, музейларда ёш олимларнинг илмий изланиш олиб бориши учун ҳам кенг имкониятлар яратилмоқда.

Мисол учун, Шароф Рашидов номидаги Самарқанд давлат университетида Алишер Навоий илмий-амалий музейи, геология ва зоология, тарих музейлари, ботаника илмий иссиқхонаси, Самарқанд ветеринария меди-



цинаси институтининг асаларилик, балиқчилик ва паррандачилик кафедраси ўқув лабораторияси, анатомия музейи ҳамда хайвонлар сақланган веварийси, Самарқанд давлат чет тиллар институтининг замонавий ўқув бинолари, Самарқанд давлат тиббиёт институтининг 800 ўринли замонавий лабораторияларга эга янги ўқув биносини алоҳида таъкидлаш мумкин.

Ўқув ва илмий адабиётлар, дарсликлар ҳамда ўқув қўлланмаларини тўғридан-тўғри харид қила оламиз.

Шунингдек, молиявий мустақил бўлган олий таълим муассасаларида васийлик кенгашлари тугатилди ва унинг ўрнига таркиби кадрлар буюртмачилари, жамоатчилик вакиллари ва хомийлардан иборат (70 фоиздан кам бўлмаган таркибда) кузатув кенгашлари ташкил этилди. Ушбу кузатув кенгашларига олий таълим муассасаларини бошқаришда қатор ваколатлар берилди.

Қарорда белгиланган молиялаштириш тартибига мувофиқ, барча таълим йўналишлари ва бошқичлари бўйича бир талаба учун тўғри келадиган ўртача харажат миқдори ҳисоблаб чиқилди. Давлат буюртмаси асосида кадрлар тайёрлаш учун Давлат бюджетидан ажратилган маблағлар бир талабага тўғри келадиган ўртача харажат миқдоридан келиб чиқиб белгиланади. Давлат гранти асосида таълим олаётган талабалар учун бюджет маблағлари бўйсунуви бўйича тегишли вазирлик (идора) ва олий таълим муассасаси ўртасида имзоланадиган битим асосида ажратилади.

Мутахассислар ҳамда илмий педагогик кадрларни тайёрлаш тизимини таълим ва илм-фаннинг узвийлиги ҳамда узлуксизлиги, шунингдек, жаҳон таълим сифати интеграциясини кенгайтириш ҳисобига ривожлан-

тириш мақсадида республикаимизда хорижий ҳамкор олий таълим ташкилотларининг қўшма таълим дастурлари асосида таълим фаолияти ташкил этилмоқда.

Бугун республикаимиз олий таълим муассасаларида чет мамлакатларнинг нуфузли олийгоҳлари билан ҳамкорликда янги йўналишлар, факультетлар очилмоқда. Жумладан, институтимизнинг халқаро таълим факультетида Россиянинг Приволжск тадқиқот тиббиёт университети (даволаш иши, педиатрия иши ва стоматология иши йўналишлар), И.Н.Ульянов номидаги Чуваш давлат университети (клиник психология), Саратов давлат тиббиёт институти (фармация), Украинанинг Горбаческий номидаги Тернополь миллий тиббиёт университети (олий ҳамширалик иши), Польшанинг National Louis University олий бизнес мактаби (соғлиқни сақлаш менежменти) ҳамкорлигидаги қўшма таълим (бакалаврият) дастурлари асосида 260 нафар талаба соҳа сирларини ўзлаштирмоқда.

Шунингдек, Я.Б.Горбаческий номидаги Тернополь миллий тиббиёт университети билан "Олий ҳамширалик иши" мутахассислиги, National Louis University олий бизнес мактаби билан "Менежмент: соғлиқни сақлаш менежменти" мутахассислиги ҳамда Беларусь давлат тиббиёт университети билан клиник мутахассисликлар бўйича қўшма магистратура ва клиник ординатура таълим дастурлари ҳам ташкил этилди.

Бугун олийгоҳимиз фаол илмий тадқиқотлар олиб бораётган Европа, Осий ва Американинг кўпала илмий-тадқиқот марказлари, олий тиббий таълим муассасалари билан мустақам алоқа ўрнатган. Улар билан имзоланган келишувларимиз асосида биргалликда илмий изланишлар олиб бориш, профессор-ўқитувчилар ва талабаларнинг академик алмашинув дастурлари жорий қилинмоқда.

Европа Иттифоқининг Erasmus дастури доирасида умумий қиймати 2 миллион евролик иккита халқаро академик грант ҳамда АҚШнинг "Smile Trend" ташкилоти гранти ҳисобидан стоматология ва юз-жағ жарроҳлиги соҳасида илмий лойиҳалар амалга оширилмоқда. Ушбу лойиҳалар институтимиздаги таълим жараёнларини халқаро стандартларга мослаштириш, илмий изланишларимизнинг халқаро даражада эътироф этилишига хизмат қилаётди.

**Жасур РИЗАЕВ,**  
**Самарқанд давлат тиббиёт институтининг ректори, профессор.**

## «ПЛАСТИК КАРТА» ЭМАС, «БАНК КАРТА»СИ

Бугун кўпчилигимиз баъзи нарсаларни ўз номи билан атамай, унинг ўрнига бошқа, яъни оғзаки мулоқотда қўлланиладиган сўзларни ишлатишга кўникиб кетганмиз. Кундалик турмушда кам қўлланиладиган ёки бирор соҳага тааллуқли ном ёки ибораларда бу деярли учрамайди. Бироқ шундай номлар борки, уларни ҳар кун ишлатамиз, лекин унинг тўғри ёки нотўғри эканлигини ўйлаб кўрмаймиз.

қўлланилаётган "пластик карта" номи на лугатда ва на норматив-ҳуқуқий ҳужжатларда акс этган.



Махсулот харид қилиш ёки хизматлардан фойдаланишда тўловни нақд пулсиз амалга ошириш имконини берадиган банк картаси шулар жумласидан. Бугун деярли барча уни "пластик карта" сифатида билади. Сабаби тижорат банклари иш юритишда шу номдан фойдаланиб келмоқда. Аммо соҳага тааллуқли норматив-ҳуқуқий ҳужжатларда бу атамани топмайди.

Унинг ўрнига ҳужжатларда "банк пластик картаси", "банк картаси" ёки "пластик картаси" номлари қўлланилади. Хўш, буларнинг қай бири тўғри?

Ўзбек тилининг изоҳли лугатида "пластик" (юнонча — ҳайқалтарошликка, ганчкорликка оид) сўзи бор. Ундан тилимизда икки хил маънони ифодадашда фойдаланилади. Биринчиси, пластик ҳаракат, яъни тананинг нафосатли, ритмик ҳаракатланиши бўлса, иккинчиси, босим, ташқи куч таъсирида муайян шаклга қира оладиган

ва босим тўхтагач, шу шаклни сақлаб қоладиган моддадир. Лекин шу таърифларнинг остида "пластик картаси" сўзи ҳам келтирилиб, у айнан кредит картаси эканлиги кўрсатилган.

Лугатдан "карточка" сўзини изласангиз, унинг кўплаб маънолари қаторида "кредит картаси"ни ҳам топасиз. У банк томонидан ўз омонатчиларига уларнинг шахсий ҳисобида сақланаётган маблағларидан нақд пулсиз товар сотиб олиши ёки турли хизматлардан фойдаланиши учун бериладиган ҳужжат-ғувоҳнома, дея тарифланади. Қизиқ томони, худди шундай таъриф "карта" сўзида ҳам бор.

Лугатдаги бу чалкашликни кўриб, норматив-ҳуқуқий ҳужжатлардаги турли хил номларнинг қандай келиб чиққанлигини тушунгандек бўласиз. Лекин шу нарсани аниқлиқ, бугун тижорат банклари томонидан кенг

маълумотларга кўра, кредит карточка гоёси биринчи марта 1888 йилда америкалик ёзувчи Эдвард Беллами томонидан ёзилган "Ўтмишга боқиб: 2000-1887" (Looking Backward: 2000—1987) номида фантастик китобда илгари сурилган. Бироқ, илк кредит картаси фақат 1914 йилда АҚШдаги компаниялардан бири томонидан ишлаб чиқилган ва у фақат нефть махсулотлари билан боғлиқ савдо операцияларида ишлатилган. Лекин биринчи картасида пластикдан эмас, балки картондан ياسалган экан.

1928 йилда Бостондаги яна бир компания биринчи металл картасини ишлаб чиққан. Сўтучу бундай шаклдаги металл пластинкани махсус қурилмага солиб, ундаги бўртма ҳарфларни савдо чекига тушириши

У ерликларга "пластик карта" атамаси бегона экан. Фақат биз ҳамон уни ўз ораимизда "пластик", дея атаб келамиз.

Гувоҳи бўлганимиздек, бугун бу тўлов воситаси расмий расмий манбаларимизда тўрт хил ном билан аталмоқда. Газета ва журналлар асосан тижорат банклари илгари сураётган "вариант"-дан фойдаланишди. Лекин "пластик карта" сўзи лугатда йўқ. Унинг ўрнига "пластик картаси" бор. Аммо бу ном ҳам мантиққа тўғри келмайди. Нима қилиш керак?

Таклифим, кундалик турмушимизнинг ажралмас қисмига айланган ушбу тўлов воситасини "банк картаси", дея ягона ном билан атайтиш. Шунда уни қисқартириб, "карта" дейиш ҳам хато бўлмайди. Ҳар холда бу "пластик" қисқартмасидан анча аниқроқ.

**Асқар БАРОТОВ.**

### Бир рақам шарҳи

Бугун мамлакатимиздаги 8 мингта сув қудуғидан 1 минг 500 таси яроқсиз ҳолатга қарийб 800 та маҳалладаги 2 миллион аҳолининг сув таъминоти ёмонлашган. Зомин, Нурота ва Қўшработ қонларида қудуқлар қазитиш, Зарафшон ва Чирчиқ дарёлари ўзанидан қум-шағал олиш назоратсиз, пала-партиш бўлгани сабабли, бу ҳудудларда ероти чучук сувлари захиралари 30 метргача пасайган.

Бундан ташқари, фермерлик ривожланиши билан жойларда сувли ерга бўлган талаб, туманларда юқори ҳосил олишга бўлган иштиёқ асосида суғорилмайдиган ерларга артезиан «уриш» урфа кирди. Ушундан бошлаб, минглаб гектар ғалла майдонлари, пахта далалари ер ости ичимлик суви билан суғорила бошланди. Туманларда авж олган «ура-урачи»ликлар туфайли «план» биринчи ўринга қикди-ю, афсуски,

## ТАДБИРКОР ВА СОЛИҚЧИ: ҲАМКОРЛИК САМАРАСИ ҚАНДАЙ?

**Самарқанд шаҳар давлат солиқ инспекцияси тадбиркорликни қўллаб-қувватлаш шубҳаси томонидан жорий йилнинг ўтган даврида 496 та тадбиркорлик субъекти фаолияти ўрганилиб, жараёнда аниқланган муаммоларни бартараф этишда амалий кўмак берилди.**

Жумладан, "Abdullaxon tekstil" масъулияти чекланган жамиятида бўлган мутахассисларимиз тадбиркор қорхона фаолиятини янада кенгайтириш истагидалиги, аммо бунинг учун маблағи етарли эмаслигини аниқлашди. Натижада унга берилган ҳуқуқий маслаҳатлардан кейин, тижорат банкдан 3 миллиард сўм миқдорда кредит ажратилишига эришилди.

"Samarqand Dilkusho farovon savdo" масъулияти чекланган жамияти асосан савдо фаолияти билан шуғулланади. Инспекция мутахассислари унинг ишчи-хотимларига солиқ қонунчилигидаги ангилликлар, солиқ хизматларидан онлайн фойдаланиш тартиби юзасидан

тушунча берди.

— Қорхонамиз фаолиятини 2012 йилда бошлаган, — дейди жамият бош ҳисобчиси Наргиза Аслиева. — Айни кунда 35 нафар фуқарони доимий иш билан таъминлаётганмиз. Солиқ инспекцияси ходимлари қорхонамизга мунтазам келиб, соҳага оид биланларимизни бойитиб туришади. Бунинг самараси ўлароқ касаллигимиз томонидан тадбиркорларга берилган солиқ имтиёзларидан ўз вақтида фойдаланиб келмоқдамиз.

— Ишлаб чиқараётган махсулотимиз нафақат ички бозорда, балки хорижий мамлакатларда ҳам харидоргир, — дейди "Samarqand apparel" хусусий қорхонасининг ташқи иқтисодий фаолият бўйича мутахассиси Фаррух Нурмуҳамедов. — Айни кунда Мустақил Давлатлар Ҳамдўстлиги мамлакатлари, шунингдек, Америка ва Корея Республикасига махсулот экспорт қилмоқдамиз. Солиқ соҳасидаги масалаларда инспекция кўмағига таянамиз. Бу ҳамкорлик бизга қўлайлиқ яратмоқда.

**Вилоят давлат солиқ бошқармаси матбуот хизмати.**

### Муносабат



Бугун ер юзидаги 2 миллиардга яқин аҳоли тоза ичимлик суви муҳтож. 2,3 миллиарддан зиёд одам санитария талабларига жавоб берайдиган оби-ҳаётдан истеъмол қилишга мажбур. Мутахассисларнинг фикрича, 2050 йилга қадар сувга бўлган талаб 50 фоизга ошади. Шу рақамларнинг ўзи табиатнинг бебаҳо неъматини бўлган оби-ҳаётдан тежамасан, оқилна фойдаланишга ундайди.

Жорий йилнинг 8 февраль куни Президентимиз ҳудудларда ичимлик суви таъминоти яхшилаш масалалари бўйича йиғилиш ўтказди. Унда асосий эътибор аҳоли тоза ичимлик суви билан таъминлаш масалаларига қаратилди. Маълум бўлишича, республикаимизда кейинги беш йилда соҳага 10 триллион сўм ёки олдинги йилларга нисбатан 5 баравар кўп маблағ ажратилган. Бу даврда 6 миллион 500 минг аҳоли илк бор марказлашган ичимлик суви билан таъминланди. Жумладан, ўтган йили 474 та сув иншооти қурилиб, 6 минг 300 километрга яқин тармоқлар тортилган. 592 та маҳаллада 2 миллиондан зиёд аҳолининг сув таъминоти яхшиланди. Лекин бу масалани кийинги йилларда кўп ва баъзи туманларда аҳолининг тоза ичимлик суви билан таъминланганлик даражаси 30 фоизга ҳам етмайди. Шу боис, келгуси беш йилда соҳага 40 триллион сўм инвестиция жалб қилиб, ичимлик суви таъминоти 90 фоиз, оқова сув қамровини 35 фоизга етказиш режалаштирилмоқда.

Албатта, бу каби рақамлар инсон ҳаётидаги энг муҳим эҳтиёжий унсур бўлган тоза ичимлик суви билан аҳолини таъминлаш келгуси йилларда сезиларли даражада оширидан дарак беради. Аммо масаланинг яна бир муҳим жиҳати, биз олис ҳудудларга қанча тармоқлар тортмайлик, сув сақлаш иншоотларини барпо этмайлик, асосий муаммо ероти сувлари захирасига боғлиқ бўлиб қолаверади. Чунки сувнинг асосий манбаи шу.

Йиғилишда таъкидланганича, бугунги кунда 8 мингта сув қудуғидан 1 минг 500 таси яроқсиз ҳолатга келган. Оқибатда қарийб 800 та маҳалладаги 2 миллион аҳолининг сув таъминоти ёмонлашган. Зомин, Нурота ва Қўшработ қонларида қудуқлар қазитиш, Зарафшон ва Чирчиқ дарёлари ўзанидан қум-шағал олиш назоратсиз, пала-партиш бўлгани сабабли, бу ҳудудларда ероти чучук сувлари захиралари 30 метргача пасайган.

Бундан ташқари, фермерлик ривожланиши билан жойларда сувли ерга бўлган талаб, туманларда юқори ҳосил олишга бўлган иштиёқ асосида суғорилмайдиган ерларга артезиан «уриш» урфа кирди. Ушундан бошлаб, минглаб гектар ғалла майдонлари, пахта далалари ер ости ичимлик суви билан суғорила бошланди. Туманларда авж олган «ура-урачи»ликлар туфайли «план» биринчи ўринга қикди-ю, афсуски,

масаланинг муҳим жиҳати этибордан четда қолди.

Шу ўринда, Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2018 йил 27 декабрдаги «Пахта хомашёсини етиштиришда томчилатиб суғориш технологияларидан кенг фойдаланиш учун қўлай шарт-шароитлар яратишга оид кечиктириб бўлмайдиган чора-тадбирлар тўғрисида»ги қароридан кейин сув исрофининг олдини олишда кўплаб лойиҳалар амалга оширила бошланди. Ушбу қарор сувдан тежамли фойдаланишда муҳим аҳамиятга эга бўлди.

Кейинги йилларда артезиан қудуқ қазувчиларга экинларини фақат томчилатиб суғориш жорий этиш шарти билан руҳсат берилаётгани ва бу лойиҳани амалга оширувчиларга субсидиялар ажратилиши чучук сувга бўлган аввалиги «тажовуз»ларни қисман тўғри йўлга солди. Аммо шунча ҳаракатлар билан ҳам истаий миқми-йўқми, ўтган йилги қурғоқчилик ичтимлик суви муаммосидаги асл ҳолатни кўрсатди. Кеч англаб етганимиз: «Орол муаммоси» каби янги муаммо яралмасдан туриб, жойларда ҳамон давом этаётган тоза ичимлик суви бўлаётган «тажовуз»кор муносабатни тўхтатишимиз керак.

Маълумотларга кўра, артезиан сувидан 20 дақиқа оққан сув сарфи эвазига, томчилатиб суғориш жорий этиш билан 8,4 тонна бўғдой ёки 15 тонна картошка олиш мумкин. Шундай экан, тоза ичимлик сувини қадрлаб, бу борада самарали чора-тадбирлар белгилаш лозим. Туманлардаги барча артезиан сув олувчиларга мажбурий томчилатиб суғориш тизимини қатъий жорий этиш, қорхона ва ташкилотларнинг ҳовлисидаги экинларни тоза ичимлик суви билан суғорилишига йўл қўймаслик учун сув ҳўжалик назорати инспекцияси ходимлари ваколатини кенгайтириш, келгусида сув тежовчи мосламалар жорий этишни янада рағбатлантириш, субсидия ва кредит таъминоти ошириш орқали муқаррар муаммонинг олдини олишга эришиш мумкин.

Шу ўринда яна бир маълумот, дунёда ҳар йили 5 ёшдан кичик бўлган ўртача 297 минг бола тозаланмаган ичимлик суви истеъмол қилгани ёки ана шундай сув билан қўл ювиши оқибатида диарей касаллигига учраб вафот этмоқда. Шу рақамларнинг ўзи ҳам хар томчи тоза сувнинг қадрини бугундан англашимиз учун асос бўлади.

**Шухрат НОРМУРОДОВ.**

Тўғриси, тил ва адабиёт фан-лари чуқур ўргатиладиган олий ўқув юртларини инобатга олмасак, аксарият таълим муассасалари, айрим корхона ва ташкилотларда йилда бир марта 9 февраль арафасидагина навоийхонлик кечалари ўтказилади. Кўпчилик Навоий асарларини севиб ўқийди, санъаткорлар куйга солади. Ўқувчи ва талаба-ёшлар, ҳатто боғчага қатнайдиган болалар ҳам ғазал ва рубоийларини ёд олади. Аммо ҳаммаям уларнинг мазмун-моҳиятини чуқур англолмайди. Ҳазрат ижодини ўқиб, уқиб ўрганиш керак.

## Навоийни уқиш керак



Бу фирқлар Пушкин номидаги вилоят ахборот-кутубхона марказида ўтказилган китоб тақдиротида таъкидланди. Тақдимот қилинган 3 томлик китоб буюк мутафак-

кир Алишер Навоийнинг "Ҳайрат ул-аброр" дostonининг мухтасар шарҳи, матн, насрий баён ва луғатни ўз ичига олган. Китоб навоий-шунос олим, ёзувчи Акром Малик томонидан тайёрланган.

Тадбиркор, "Хатир-чи элита" агрофирмаси раҳбари Фарҳод Раҳматуллаев саяб-ҳаракати билан ташкил этилган тадбирда муаллиф билан учрашиш мақсади билан самарқандлик ижодкорлардан ташқари, ёзувчининг Қашқадарё ва Жиззах вилоятларидаги мухлислари ҳам иштирок этди.

Навоийни таниш у кишининг таржи-маи холини ёлдан иборат эмас, - дейди Акром Малик. - Балки ҳазратни билиш, унинг асарларини ўқиш ва тушуниш билан амалга ошади. Навоий асарларининг тарбиявий аҳамияти беқиёс. Саволлар туғилади: нима учун Навоийни тушуномаямиз? Нега тушунмасак ҳам унинг китоблари чанг босиб ётмайди ва ҳар йили уларни арақлаймиз, таваллуд топган кунини нишонлаймиз? Навоийни тушуниш учун унинг асарларини тақво, ихлол ва муҳаббат билан ўқиш керак.

Бунга "Ҳайрат ул-аброр" дostonининг шарҳига бағишланган китобларни ўқисангиз амин бўласиз.

**Тўлқин СИДДИҚОВ,  
Ҳусан ЭЛТОЕВ (фото).**

Умр инсонга синов учун берилди. Яхши инсонлар ундан самарали фойдаланиб, савобли ишларга қўл уради ва ўзидан яхши ном қолдиришга уринади. Яхъ Муртазоев шундай савоб-талаб, зиёли, самимий инсон эди.

## Моҳир педагог, самимий дўст эди

Яхъ Муртазоев 1922 йил 12 апрелда Самарқанднинг қадимий гўшаларидан бири бўлган Саид маҳалласида таваллуд топди. Самарқанд шаҳридаги 18-мактабни тугатган, шаҳардаги ўқитувчилар тайёрлаш институтига кирди ва уни 1942 йилда битириб, меҳнат фаолиятини ўзи ўқиган мактабда бошлади. Шу йили Россиянинг Челябинск шаҳридаги танк ишлаб чиқарувчи заводга меҳнат фронтига сафарбар этилди.



Бир йилдан сўнг ўз мактабига қайтиб, ўқитувчиликни давом эттирди. Давр тақозоси билан 1946-1953 йилларда Самарқанд шаҳридаги Ховренко номи вино заводининг Чархин ва Ми-тандаги вино пунктида бўлим бошлиғи вазифасида ишлади. Ишдан ажралмаган ҳолда Самарқанд давлат педагогика институтининг тил ва адабиёт факультетида сирдан таълим олди.

Самарқанд шаҳридаги 13-ўрта мактабда ўқувчиларга дарс берди. 1963 йилда шу мактабда илмий бўлим мудири, 1978-1983 йилларда мактаб директори вазифаларида ишлади. Уз-луксиз 30 йилдан ортик давр мобайнида таълим тизимида самарали меҳнат қилди.

Шунингдек, Яхъ Муртазоев ҳаёти давомида жамоат ишларида фаол бўлди. Ташаббускорлиги ва ташкилотчилик боис собиқ Темирийўл тумани, Самарқанд шаҳар кенгашлирига депутатликка сайланди. 1964 йилдан жамоатчилик асосида Саид маҳалласи раиси сифатида фаолият олиб борди. Унинг меҳнатлари муносаби тақдирланди. "Шуҳрат" медали, "Меҳнат фахрийси" кўкрак нишони, Иккинчи жаҳон урушидаги ғалабанинг юбилей медаллари билан мукофотланганди. Я.Муртазоев турмуш ўртоғи Сакина Қозимова билан бахтли ҳаёт кечирди. Фарзандларининг ҳаммасини олий маълумотли қилди. Эл-юрт олдига нуқулби меҳнатлари билан обрў-этибор қозонди.

**Ҳайдар ХОЛОВ.**



Самарқанд шаҳридаги 8-сон оилавий поликлиникада аҳолининг, хусусан, ёш болаларнинг соғлом овқатланиши ва жисмоний фаоллигини таъминлаш, юқумли бўлмаган касалликлар профилактикасига алоҳида эътибор берилмоқда.

- Тиббиёт муассасамиз шаҳарнинг 15 маҳалласида истикомат қилувчи 52 минг нафар аҳолига тиббий хизмат кўрсатади, - дейди оилавий поликлиника бош шифокори Дилфуза Нормуродова. - З.Очилова, М.Асадова, З.Жумаева, Ф.Ахророва каби шифокорларимиз аҳолига нотўғри овқатланиш орқали турли касалликларнинг пайдо бўлиши, нафақат беморлар, балки болаларнинг ҳам овқатланишига эътиборли бўлиши, уларни парҳез таомлар билан озиклантириш юзасидан тавсиялар бериб келмоқда. Чунки кейинги вақтларда учраётган касалликларнинг аксариятига нотўғри овқатланиш сабаб бўлмоқда. Профилактик текширувлар натижасида аҳоли ўртасида эндокрин касалликлар ва камқонлик камайишига эришилди.

Оилавий поликлиникада беморлар учун 12 ўринли кундузги стационар ташкил этилган. Шунингдек, тиббий лаборатория текширувлари, физиотерапевтик, эмлаш, уқалаш, ультраолаш текширувлари ўтказиш учун барча шароитлар яратилган.

**Тоҳир НОРҚУЛОВ олган суратлар.**



REKLAMA, E'LONLAR, BILDIRISHLAR / Gazetamiz haftada uch marta - seshanba, payshanba va shanba kunlari chop etiladi / Gazetada chop etilayotgan reklama va e'lonlar tezkor, samarali va hamyonbop / MUHOJAT UCHUN TELEFON: 66-233-91-56

### ҚУТЛАЙМИЗ!

Ҳурматли Мадиев Муродилло Жамолович! Сизни туғилган кунингиз билан табриклаймиз. М.Мадиев 1962 йилда Ургант туманида туғилди. Олийгоҳни битириб, кўп йиллар прокуратура соҳасида меҳнат қилди. 2018 йилдан ҳозирги вақтгача Самарқанд шаҳар «Самарқанд қонунчилари» адвокатлар жайъати адвокати сифатида фуқаролар ҳақ-ҳуқуқларини ҳимоя қилмоқда.



Муродилло ака қаерда қайси лавозимда ишласин фидойилиги, ўз касбига садоқати билан соҳа ходимлари ҳурматига сазовор бўлди. Айниқса, адвокат сифатида юртдошларимиз ҳуқуқ ва манфаатларини ҳимоя қилишда фаоллик кўрсатиб, халқ меҳри ва ишончини қозониб келмоқда. Азиз ҳамкасбимизга узоқ умр, сиҳат-саломатлик, ҳуқуқ соҳасидаги фаолиятида улкан зафарлар тилаймиз. «САМАРҚАНД ҚОНУНЧИЛАРИ» АДВОКАТЛАР ҲАЙЪАТИ ЖАМОАСИ.

### ДАЪВОЛАР БЎЛСА...

Самарқанд шаҳрида хусусий амалиёт билан шуғулланувчи нотариус Саидова Зарина Хисрамовна нотариал идорасида марҳум Собирова Рафоатга (2021 йил 27 майда вафот этган) тегишли мол-мулк учун мерос иши очилмоқда. Шу муносабат билан меросхўрларнинг Саидова Зарина Хисрамовна нотариал идорасида мурожаат этишларини сўраймиз. **Манзил: Самарқанд шаҳри Абдурахмон Жомий кўчаси, 64-ўй.**

Самарқанд шаҳрида хусусий амалиёт билан шуғулланувчи нотариус Жўраев Камолиддин Мухиддинович нотариал идорасида марҳум Шамимов Эрмухамматга (2019 йил 5 декабрда вафот этган) тегишли мол-мулк учун мерос иши очилмоқда. Шу муносабат билан меросхўрларнинг Жўраев Камолиддин Мухиддинович нотариал идорасида мурожаат этишларини сўраймиз. **Манзил: Самарқанд шаҳри Ўзбекистон кўчаси, 35-ўй.**

Самарқанд шаҳрида хусусий амалиёт билан шуғулланувчи нотариус Алиева Лола Заировна нотариал идорасида марҳум Қулдашев Равшан Қузибаевичга (2021 йил 17 февралда вафот этган) тегишли мол-мулк учун мерос иши очилмоқда. Шу муносабат билан меросхўрларнинг Алиева Лола Заировна нотариал идорасида мурожаат этишларини сўраймиз. **Манзил: Самарқанд шаҳри Мирзо Улуғбек кўчаси, 80-ўй.**

Булунғур туманида хусусий амалиёт билан шуғулланувчи нотариус Абдурахмонов Элёр Жамшидович нотариал идорасида марҳум Ханжалиев Юсупалига (2020 йил 8 августда вафот этган) тегишли мол-мулк учун мерос иши очилмоқда. Шу муносабат билан меросхўрларнинг Абдурахмонов Элёр

Жамшидович нотариал идорасига мурожаат этишларини сўраймиз. **Манзил: Булунғур шаҳри Мустанкилик майдони.** \*\*\* 

Пайариқ туманида хусусий амалиёт билан шуғулланувчи нотариус Ортиқбоев Азиз Азаматович нотариал идорасида марҳум Ахмедов Шермаатга (2008 йил 25 февралда вафот этган) тегишли мол-мулк учун мерос иши очилган. Шу муносабат билан меросхўрларнинг Ортиқбоев Азиз Азаматович нотариал идорасига мурожаат этишларини сўраймиз. **Манзил: Пайариқ тумани Челек шаҳарчаси, Истиклол кўчаси, 73-ўй.** \*\*\*

Самарқанд шаҳрида хусусий амалиёт билан шуғулланувчи нотариус Жўраев Камолиддин Мухиддинович нотариал идорасида марҳум Якубова Сария Юсуфовнага (2021 йил 22 августда вафот этган) тегишли мол-мулк учун мерос иши очилмоқда. Шу муносабат билан меросхўрларнинг Жўраев Камолиддин Мухиддинович нотариал идорасига мурожаат этишларини сўраймиз. **Манзил: Самарқанд шаҳри Ўзбекистон кўчаси, 35-ўй.** \*\*\*

Самарқанд шаҳрида хусусий амалиёт билан шуғулланувчи нотариус Ҳазраткулов Махмуд Муминкулович нотариал идорасида марҳум Муҳаммадиев Равшан Батуровичга (2021 йил 1 августда вафот этган) тегишли мол-мулк учун мерос иши очилмоқда. Шу муносабат билан меросхўрларнинг Ҳазраткулов Махмуд Муминкулович нотариал идорасига мурожаат этишларини сўраймиз. **Манзил: Самарқанд шаҳри Амир Темуր кўчаси, 36-ўй.** \*\*\*

Жомбой туманида хусусий амалиёт билан шуғулланувчи нотариус

### САМАРҚАНД ВИЛОЯТИ АҲОЛИСИ ВА МЕҲМОНЛАР ДИҚҚАТИГА!

Ўзбекистон Республикаси Ахборот технологиялари ва коммуникацияларини ривожлантириш вазирлиги "Электромангнит мослашув маркази" Давлат унитар корхонаси Самарқанд вилояти Электромангнит мослашув хизмати турли диапазонлардаги радиоолақа воситаларига, телевидение ва радиоёшлиттириш дастурларини қабул қилишга таъсир этувчи радиоолақа қиларини бартараф этиш учун жисмоний ва юридик шахслардан буюртмаларини қабул қилади. Радиоолақа қиларини бартараф этиш ишлари Ўзбекистон Республикасининг "Радиочастота спектри тўғрисида"ги Қонуни асосида амалга оширилади. **Диққат!** Республика ҳудудига тегишли рухсатномасиз ва сертификатсиз олиб кирилган, сотувда бўлган, ишлатилмаётган радиоэлектрон воситалари (узоқ масофали радиоустуночлар, портатив радиостанциялар ва бошқа радиоустуноч воситалари) ўрнатилган тартибда мусодара қилинади. Уларни олиб киришга ҳаракат қилган шахсларга нисбатан маъмурий жавобгарлик чоралари кўрилади. Радиоэлектрон воситаларини Республика ҳудудига олиб кириш учун рухсатнома олишни ва ўрнатилган тартибда рўйхатдан ўтказиш масалалари буйича Самарқанд вилояти Электромангнит мослашув хизматида мурожаат қилишингиз мумкин. **Манзил: Самарқанд тумани Ёшлик кўрғони. Телефонлар: +99866-616-43-45, 616-44-15. САМАРҚАНД ВИЛОЯТИ ЭЛЕКТРОМАГНИТ МОСЛАШУВ ХИЗМАТИ.**

Маматқулов Отабек Болбекович нотариал идорасида марҳум Абдуллаев Омонга (1994 йил 30 мартда вафот этган) тегишли мол-мулк учун мерос иши очилмоқда. Шу муносабат билан меросхўрларнинг Маматқулов Отабек Болбекович нотариал идорасига мурожаат этишларини сўраймиз. **Манзил: Жомбой тумани Сарой кўчаси, 15-ўй.** \*\*\*

Жомбой туманида хусусий амалиёт билан шуғулланувчи нотариус Мирзаева Барно Жўракуловна нотариал идорасида марҳум Жумабаев Утамурат Абдуғабдуловга (2020 йил 27 октябрда вафот этган) тегишли мол-мулк учун мерос иши очилмоқда. Шу муносабат билан меросхўрларнинг Мирзаева Барно Жўракуловна нотариал идорасига мурожаат этишларини сўраймиз. **Манзил: Жомбой тумани Тошкент кўчаси, туман давлат хизматлари маркази биносида.** \*\*\*

**БЕКОР ҚИЛИНАДИ**  
Паст Даргом туманидаги 21-сонли умумий ўрта таълим мактабидан 2019 йилда Жўракулова Шодона Шамсидин кизи номига берилган УМ № 0965185 рақамли умумий ўрта таълим тўғрисидаги аттестат йўқолганлиги сабабли бекор қилинади. \*\*\*

Самарқанд шаҳридаги 17-сонли умумий ўрта таълим мактабидан 2020 йилда Шаҳобжонов Бахтовард Анарович номига берилган ТМ № 1206749 рақамли 9 йиллик умумий ўрта таълим тўғрисидаги шаходатнома йўқолганлиги сабабли бекор қилинади. \*\*\* 

Самарқанд шаҳридаги 44-умумий ўрта таълим мактабидан 2007 йилда

Акилова Хуснора Тоҳир кизи номига берилган У № 2491942 рақамли умумий ўрта таълим тўғрисидаги шаходатнома йўқолганлиги сабабли бекор қилинади. \*\*\*

Оқдарё политехника касб-ҳунаар коллежидан 2019 йилда Хасанов Хусан Эшмамат ўғли номига берилган рўйхат рақами 209, К № 5585375 рақамли диплом ва унинг иловаси йўқолганлиги сабабли бекор қилинади. \*\*\*

Самарқанд қишлоқ хўжалик касб-ҳунаар коллежидан 2020 йилда Хўжамуродов Диёрбек Зафар ўғли номига берилган рўйхат рақами 17341 К № 5900533 рақамли диплом ва унинг иловаси йўқолганлиги сабабли бекор қилинади. \*\*\*

Пайариқ туманидаги 15-умумий ўрта таълим мактабидан 2008 йилда Джўрабоева (ҳозирда Кучкарова) Рухсатга фаровна номига берилган У № 3115185 рақамли умумий ўрта таълим тўғрисидаги шаходатнома йўқолганлиги сабабли бекор қилинади. \*\*\*

Самарқанд давлат университети қишлоқида академик лицейдан 2017 йилда Тошмурад Муниса Самат кизи номига берилган рўйхат рақами 418, Л № 304855 рақамли диплом ва унинг иловаси йўқолганлиги сабабли бекор қилинади. \*\*\*

Самарқанд туманидаги 53-умумий ўрта таълим мактабидан 2007 йилда Турдиева Шоира Шавкатовна номига берилган О "R-SH № 0621538 рақамли ўрта маълумот тўғрисидаги шаходатнома йўқолганлиги сабабли бекор қилинади. \*\*\*

### МАЛАКА ОШИРИШ КУРСЛАРИГА МАРҲАМАТ!

Талаба-ёшларнинг замон талабига жавоб берадиган мутахассис бўлиб етишишида педагог ходимларнинг билим малакаси катта аҳамиятга эга.

Шу бос Узбекистон Республикаси Президентининг "Олий таълим муассасалари раҳбар ва педагог кадрларининг узлуксиз малакасини ошириш тизимини жорий этиш тўғрисида"ги 2019 йил 27 августдаги ПФ-5789-сонли фармони ижросини таъминлаш ҳамда олий таълим муассасалари раҳбар ва педагог кадрларининг касбий билими, кўникмалари ва маҳоратини узлуксиз янгиллаб бориш, шунингдек, Ўзбекистон Республикаси Вазирлар маҳкамасининг 2019 йил 23 сентябрдаги 797 ва 532-сонли қарорлари ижросини таъминлаш мақсадида Самарқанд ветеринария медицинаси институти ҳузурнда "Педагог кадрларни қайта тайёрлаш ва уларнинг малакасини ошириш тармоқ маркази" ташкил этилган. Марказ 2019 йилнинг ноябрь ойидан фаолият кўрсатиб келмоқда.

Ҳозирги кунда марказда асосан "Ветеринария медицинаси", "Зооинженерия" ва "Чорвачилик маҳсулотларини қайта ишлаш технологияси" таълим йўналишлари бўйича қайта тайёрлаш ва малака ошириш курслари ташкил этилган. Тингловчилар контингентини олий таълим муассасаларининг профессор-ўқитувчилари ташкил этди.

Олий таълим муассасалари раҳбар ва педагог кадрларининг узлуксиз малака ошириш жараёнини ташкил этиш тартиби тўғрисидаги низомага асосан малака оширувчилар уч хил турда масофавий, мустикал ва муқобил малака оширади. Тармоқ марказида ташкил этилаётган қайта тайёрлаш ва малака ошириш курсларида институт профессор-ўқитувчилари ҳамда маҳоратли амалиётчилари дарс бериб келмоқда. Малака ошириш курсларини тамомлаган тингловчиларга сертификат берилади. **Қўшимча маълумотлар учун қуйидаги манзилга мурожаат этишингиз мумкин: Самарқанд шаҳри Мирзо Улуғбек кўчаси, 77-ўй. Телефон: +99895-410-39-55. МАРКАЗ МАЪМУРИЯТИ.**

Жиззах тиббиёт билим юртидан 1991 йилда Қаландарова Халида Тўхтаевна номига берилган рўйхат рақами 8641, РТ-1 № 349296 рақамли диплом ва унинг иловаси йўқолганлиги сабабли бекор қилинади. \*\*\*

Ургант туманидаги 1-ўрта мактабдан 1994 йилда Рауфов Равшанжон Очилович номига берилган А № 622467 рақамли таянч маълумот тўғрисидаги гувоҳнома йўқолганлиги сабабли бекор қилинади. \*\*\*

Самарқанд вилоят ҳуқуқшунослик коллежидан 2019 йилда Очилов Хуршид Ғиёсиддин ўғли номига берилган рўйхат рақами 420, К № 5570127 рақамли диплом ва унинг иловаси йўқолганлиги сабабли бекор қилинади. \*\*\*

Самарқанд давлат университетидан 1997 йилда Мусаева Соляхон Азамовна номига берилган рўйхат рақами 357, № 160475 рақамли дипломнинг иловаси йўқолганлиги сабабли бекор қилинади. \*\*\*

Самарқанд шаҳридаги 39-умумий ўрта таълим мактабидан 2009 йилда Сатторов (ҳозирда Мамаризаева) Фотима Алишеровна номига берилган У № 3666316 рақамли умумий ўрта таълим тўғрисидаги шаходатнома йўқолганлиги сабабли бекор қилинади. \*\*\*

Самарқанд шаҳридаги 39-умумий ўрта таълим мактабидан 2012 йилда Аҳмедов Тимурбек Исомжонович номига берилган У № 5346194 рақамли умумий ўрта таълим тўғрисидаги шаходатнома йўқолганлиги сабабли бекор қилинади. \*\*\*

Самарқанд шаҳридаги 27-умумий ўрта таълим мактабидан 2005 йилда Абдурафиков Акмал Рафиқович номига берилган О "R-SH № 0255443 рақамли ўрта маълумот тўғрисидаги шаходатнома йўқолганлиги сабабли бекор қилинади. \*\*\*

Ургант туманидаги 27-умумий ўрта таълим мактабидан 2005 йилда Ражабов Уктам Эргашевич номига берилган У № 1675227 рақамли умумий ўрта таълим тўғрисидаги шаходатнома йўқолганлиги сабабли бекор қилинади. \*\*\*

Ургант туманидаги 27-умумий ўрта таълим мактабидан 2005 йилда Ражабов Уктам Эргашевич номига берилган У № 1675227 рақамли умумий ўрта таълим тўғрисидаги шаходатнома йўқолганлиги сабабли бекор қилинади. \*\*\*

Ургант туманидаги 27-умумий ўрта таълим мактабидан 2005 йилда Ражабов Уктам Эргашевич номига берилган У № 1675227 рақамли умумий ўрта таълим тўғрисидаги шаходатнома йўқолганлиги сабабли бекор қилинади. \*\*\*

Самарқанд давлат университети биология факультети жамоаси факультет иш юритувчиси Мухаббат Шукуровга отаси **Наби боғо ШУКУРОВ**нинг вафоти муносабати билан таъзия изҳор этади.

# Hind davlatchiligi tarixida boburiylar sulolasining o'z o'rnini bor

► 14-fevral – Zahiriddin Muhammad Bobur tavallud topgan kun

**Ikkinchi uyg'onish davrining hosilasi bo'lmish boburiylar sulolasi hukmronligi Markaziy va Janubiy Osiyo madaniyati va davlatchilik tarixida alohida o'rin tutadi. Afg'oniston, Hindiston va Pokiston tarixining muhim qismi sifatida e'tirof etiladigan sulola tadqiqotchilar tomonidan keng o'rganilgan.**

Hind tarixchilari tomonidan boburiylar sulolasining hukmdorlari faoliyati puxta o'rganilgan, ko'plab asarlar yaratilgan. Hind tarixchisi P.Sharmaning "Boburiylar saltanati" asari shular jumlasidan.

Muallif asarda Bobur Mirzo, Xumoyun, Akbarshoh, Jahongir, Shoh Jahon va Avrangzebning hukmronlik davridagi ijtimoiy, siyosiy jarayonlarni hamda madaniy taraqqiyotning xususiyatlarini bayon etgan. Ushbu asardan g'arb tarixchilari ham muhim manba sifatida foydalangan.


Ingliz tarixchisi Leyn Poul Boburning salohiyati va sarkardalik qobiliyatini e'tirof etar ekan, uning shaxsiy xalqoqiy fazilatlarini izohlab shunday deydi: "Bobur qarindosh-urug'laridan mehr-muruvvatini ayamasa, do'stliklarining tashvishlariga hamdardlik qilar va quvonchlariga sherik bo'lar, o'g'illarining hammasiga birdek mehr bilan qarardi...". Boburning mazkur fazilatlarini qizi Gulbadan-begim o'zining "Xumoyunnoma" asarida keltirib o'tgan. Leyn Poul R.Sharmaning quyidagi fikrlarini keltiradi: "Boburning bironta hind ibodatxonasini buzgani yoki hindlarning ularning diniy e'tiqodiga ko'ra ta'qib qilganining biror bir asorati ko'rinmaydi". Bu fikrlarini sharhlar ekan, shunday deydi: "Boburning musulmon va hindlarga baravar munosabatda bo'lgani to'g'risida bir nechta misollar bor. 1529-yilda Gogra daryosi qirg'oq'ida jangdan oldin u hind va musulmon beklari bilan teng maslahatlashgan edi. P.Sharma Boburning bag'rikenglik madaniyatini izohlashda yana bir hind tarixchisi P.Tripating fikrini keltirib o'tadi: "...Boburiylar imperiyasining tantanasi uning harbiy qudrati tufayliga emas, balki o'z siyosatida diniy e'tiqod erkinligini amalga oshirgani va madaniy hayotga katta hissa qo'shganligi tufaylidir. Bu siyosatni esa Bobur boshlab bergan edi".



Yana bir ovro'palik tarixnavis Gavel Boburni "Islom dunyosi tarixidagi eng jolibador shaxslardan edi", deb ta'rifiyladi. Ingliz sharqshunosi U.Erskinning ta'rifiylashi "Osiyolik shahzodalarda Bobur bilan baravar mavqeni egallay oladigan shahzoda bo'lmagan". Buyuk sarkarda va davlat arbobi Boburga nisbatan aytilgan bu fikrlarga munosabat bildirar ekan, P.Sharma shunday deydi: "... U Hindistonga temuriylarga xos davlat boshqaruvi olib kirdi va unga mustahkam asos soldi. Bobur yangi imperiyani qay tarzda o'rnatish kerakligini ko'rsatibgina qolmay, balki bu imperiyani boshqarish siyosatini ham o'rgatib qo'ygan edi. U o'rnatgan sulola va uning an'analari hech qaysi mamlakatda topib bo'lmaydi".

Hind tarixchisi boburiylarning Hindistonda ilm-fan va madaniyatni, san'atning barcha turlarini rivojlantirishdagi hissasini alohida ta'kidlaydi. Hindistondagi musulmon aholi uchun maorif sohasida qanday sharoit yaratilgan bo'lsa, hind bolalari uchun ham ta'lim tizimida shunday sharoit va g'ammoxlik ko'rsatilgan.

Xulosa qilib aytadigan bo'lsak, boburiylar Hindistonda tarqoq mayda knyazlik va hududlarni birlashtirib, markazlashgan imperiya barpo etdi. Mazkur sulola asoschisi shoh Bobur zuriyodlari ham ma'rifatli bo'lib, Hindistonda ilm-fan va madaniyat taraqqiyotiga katta hissa qo'shdi. Akram AZIZQULOV, SamSI ijtimoiy fanlar kafedrasi mudiri, dotsent.



## “BOBURNOMA” bayonida birorta chalkashlikka yo'l qo'yilmagan

**Mutafakkir shoir Zahiriddin Muhammad Boburning "Boburnoma" asari real tarixiy voqealar, muallifning unga xolis yondashuvi bilan ham qimmatli manba hisoblanadi. Shu bilan birga unda turli zamir va makonlarning tabiati, iqlimi haqidagi ma'lumotlar mavjudligi kitobxonda katta qiziqish uyg'otadi.**

Asarda tabiat manzaralari, har bitta g'iyoh, chechaklar shunday tasvirlanadi-ki, bunday go'zal manzaralarni o'z ko'zimiz bilan ko'rgandek, Bobur yurgan o'ls yo'llarda tabiatga oshufta bo'lib qadam tashlagandek bo'lamiliz. Masalan, Isfara va Bodomchashma dovoni tabiati shunday tasvirlanadi: "...Yana biri tog' etagida joylashgan Isfara. Oqar suvlari, safolik bog'-bog'chalari bor. Marg'inonning g'arbi-janubidadir. Marg'inon va Isfara orasi to'qqiz yig'ochlik yo'ldir. Mevali daraxtlari ko'p, biroq bog'larida aksar bodom daraxti ekiladi..."

"...Issiq iqlim bilan sovuq iqlim orasidagi chegara hudud - Bodomchashma dovonidir. Bu dovonning Kobul tarafida qor yog'adi. Qor'uqsoy va Lang'onot tarafida qor yog'maydi. Bu dovondan tushgach, kishi o'zga bir olamga duch kelgandek bo'ladi: daraxtlar o'zgacha, o'tlar o'zgacha, janivorlar o'zgacha, elning rasmi rusumi o'zgacha". U bir joyning tabiati haqida so'z yuritir ekan, joy nomining kelib chiqishi

yoki o'sha joy bilan bog'liq rivoyatlarni ham bayon etadi-ki, bu o'quvchiga zavq bag'ishlaydi. Bobur shunday o'rindalarda ba'zan o'zining bunyodkorlik ishlari haqida ham bayon qiladi: "...Odinapur qo'rg'onining oldida, janub tarafdagi bir balandlikda to'qqiz yuz o'n to'rtinchi (1508) yili bir chorbog' soldim. U Bog'i Vafo deb nomlangan, soyga tutash; soy qo'rg'on bilan bog' orasidadir: norunji, turunji va anori ko'p bo'ladi. Paharxonni yengib Laho'r va Dipalpurini olgan yilim keyla (banan) keltirib ektirgandim, ko'kargan edi. Undan burung'i yili shakarqamish ham ekkan edilar, shakarqamishlar yaxshi bo'lganda. Badaxshon va Buxoroga u shakarqamishlardan yuborilgan edi..."

"Boburnoma" tilii soddaligi sabab ravon o'qiladi. Bunchalik xilma-xil mavzularni qamrab olgan asar bayonida birorta chalkashlikka yo'l qo'yilmaganligi nafaqat kitobxon, mutaxassislarni ham hayratga soladi. Dilafro'z SAYIPOVA, SamDU Kattaqo'rg'on filiali o'qituvchisi.

## Газетадан шифо топган академик

**Жаҳон миқёсида тан олинган таниқли акушер-гинеколог олим, академик Ислам Зокировка билан бир кунни янги газеталарни олиб бордим. Домла бир тўшаклик касал бўлиб ётган бўлса-да, ўрнидан туриб, қувонганича қўлимдаги газеталарни олди.**



Домла ҳаяжондан йиғлаб юбордилар. Аж-аб! Ўшанда устоз тоби қочгани боис кундалик ўқийдиган газеталарини ололмаган, ич-ичидан таранглашиб турган экан. Бу тарангликни у киши ўзи ёқтирган газеталарини ўқиб орқали ёзиб юборди. Хасталиги ҳам ана шу газеталар – овунчи, шодлиги туйфайли танасини тарқ этди. У киши ўша кунлик тушдан кейин ишга чиқди. «Оч одам овқат бергани суяди» деган ҳикмат бор халқимизда.

Менинг устозимда ўтказган илк «газетатерапия» мана шу эди. Интернет, баъзи сафсатабозлик, сохта, ўлик китоблардан кўра газета минг қарра афзал. Газета бу – соф, тирик ҳаётнинг ўзи! Елгондакам кимёлардан тозаланган соф шифобахш малҳам! Айни шу ҳақиқатларни халқимиз билиши, тўғри тушуниши керак. Газета ўқиган одам фикрлайди, ҳаёлида ўқиганини таҳлил қилади. Тиббий жиҳатдан кундалик маҳаллий газеталарни ўқиб, кузатиб бориш, энг сўнгги янгилик, хабарлардан бохабарлик ва шулардан роҳатланиш инсон тафаккурини ҳадсиз бойитади, тоблайти, гоҳида юмшатади, ички-ботиний

шифо беради унга. Газетанинг китобдан афзаллиги шундаки, у бор нарса – гир-атрофимизда кечаётган воқеа-ҳодисаларнинг жонли, реал тасвири, китобдан кўра биз унга кўпроқ ишонамиз. Ишонч бу – ҳам хузур, ҳам шифоқор. Шу сабабдан бўлса керак, Россияда беморларнинг қирқ олти фоизи кўпроқ газеталар мутолааси орқали шифо топганларини тан олишган (1997). Бу «газетатерапия»нинг ўзгинаси.

Илло, «газетатерапия» орқали илм даҳола-ри, олим фузалоларгача оғир хасталикларидан шифо топишган. Шу тиббий муолажа орқали уларнинг умумий аҳволлари яхшилانган, иммунитетлари кучайган, соғломлаша бориб, узоқ, фаровон ҳаёт кечиришган. Шу жиҳатдан ҳам «газетатерапия»ни тан олмаглигини ҳеч ҳам иложи йўқ. Ҳа, газета инсон тафаккурини поклаб, қувватлантиради. Газета нафақат хабардор этади, у сизни яшашга ўргатади, лозим пайтида калбингизга эзгу туйғулар солади. Шундай экан, газета ўқиган, биродарлар!

Муродим УМРЗОҚОВ.

### ШУ ОЙДА ТАВАЛЛУД ТОПГАНЛАР

**14 ФЕВРАЛЬ**

**Холмуҳаммад НУРУЛЛАЕВ** – (1954-2006) Ургут туманида туғилган. Журналист ва жамоати, «Меҳнат шўхрати» ордени соҳиби.

**17 ФЕВРАЛЬ**

**Акмак ОРТИҚОВ** – 1935 йилда Каттақўрғон туманида туғилган. Физика-математика фанлари доктори.

**Ақтам ХОЛМАНОВ** – 1964 йилда Паст Даргом тумани Бурганли қишлоғида туғилган. Физика-математика фанлари доктори, профессор.

**18 ФЕВРАЛЬ**

**Ўқтам АРИПОВ** – 1951 йил Самарқанд шаҳрида туғилган. Қишлоқ хўжалик фанлари доктори, профессор.

## Коса тагида нимқоса

Тўрт ёшли қизалоқ отасини гапга тутди:  
– Дада, бугун мен билан ўйнайсизми?  
Телефонидан кўзини узмаган ота бош чайқади, инкор



## Кўзгу

ишорасини берди.  
– Кеча ваъда бергандингизку, эртага ишдан келсам ўйнаймиз, дегандингиз...  
Қизалоқнинг кўзлари алам ёшлари билан тўлди.  
Дикқати чалғиганидан жаҳли чиққан ота рўзгор ишлари билан банд хотинига бақира кетди:  
– Қанақа одамсан сен?! Ишдан чарчаб келган, дам олсин, демасана. Болани олсанг бўлмайдингиз?! Телефонингни бер, ўйнаб ўтирсин!  
Бир неча дақиқадан сўнг, қизчанинг бир ёшдан ошган ўқаси уйқудан туриб, одатига кўра суюкли опасининг кучоғига югурди.  
– Эй бор, тегинма! Мени вақтим йўқ, телефон ўйнапман, кўрмаясанми? Ая, бунизни олинг!

**Профессор Лори шанба оқшомидаги чой маросимида тўпланганларга шакар билан аралаштирилган ва чой билан ичиш мумкин бўлган кукун – инсон ақл-идроқини кучайтирувчи восита ихтиро қилганини эълон қилди.**

Меҳмонлар кулишди, лекин чой берилганда ҳеч ким шакарга қўл теккизмади.  
– Мен чойни шакарсиз ичаман, – деди адабиётчи Дауккенс. – Менинг ёшимда камроқ ширинлик истеъмол қилган маъқул.  
– Рухсат берсангиз, чойни мураббо билан ичаман, – деди доктор Фрейд.  
– Ҳарбий сифатида умуман, чой ичмайман, – деди майор Стенли ва сеvimли имчилигига ишора қилиб кулиб қўйди.  
– Унда қаҳва ичамиз, – меҳмондўстлик билан таклиф қилди профессор Лори. – Унга ҳам шу воситадан қўшиб қўйганман.  
Шундан сўнг меҳмонларнинг барчаси қаҳва ичмайдиганлар хилидан эканлиги маълум бўлди. Доктор Фрейд умуман қаҳва ичмаган, ёзувчи Дауккенс қон босими ошиб кетганлиги сабаб, бир ойдан бери қаҳва ичмайди, ҳарбий хизматчи ҳам кечагина ўзига "энди қаҳва ичмайман", деб ваъда берганини айтди.

– Яхшиси шароб ичсак, – деди ёзувчи Дауккенс. Бошқалар ҳам уни қўллаб-қуватлашди.  
– Жуда яхши, унга ҳам шу воситадан қўшиб қўйганман. Уни татиб кўришингиз билан минг марта доно бўласиз.  
Ёзувчи Дауккенс ғазабланиб кетди.  
– Менга қаранг, профессор, – деди у. – Бизни ахмоқ деб ўйлаясизми? Ёки бизнинг ақлий даражамиз сизни қониқтирмаётими?  
– Қўйсангизчи, Дауккенс, сизнинг ақлий

## АҚЛЛИ

### бўлиш хавфлими?

## Феликс Кривин



қобилиятингизга асло шубҳам йўқ. Лекин янаям ақли бўлиш ҳеч қачон зарар бермас керак.  
– Балки, оддий фуқаро учун зарар қилмас, ammo ҳарбий одамга... – хитоб қилди майор Стенли. – Сизнингча, полковник Бромли майорнинг ундан-да ақли бўлишига тоқат қила олармиди? Ахир, тез орада мени ишдан бўшатишадику!  
– Мени ўқимай қолишади. Ўқувчиларим шунчаки мени тушунишни тўхтадилар, – деб ёзувчи Дауккенс хўрсинди.  
– Албатта, – уни қўллади доктор Фрейд. – Агар одамни маймундан минг қарра ақли деб тахмин қиладиган бўлсак, мабодо мен ҳам ақли бўлиб қолсам, одамлар назаримда маймундай туюлади ахир. Йўқ-йўқ менга шарт эмас!

– Сиз эса уларга ақлдан озгандай туюласиз ва улар сизни ўз клиникангизга қамаб қўйишади, – хоҳолаб кула бошлади майор Стенли. – Лекин бир нарса ҳаёлимга келди, тўртинчи йил биринчи синфдан чиқа олмаётган ўғлим учун бир чимдим кучайтиргич сўрасам, қандоқ бўларкан, ўйлаиб қолдим. Тўғриси, у аллақачон ўзини ота-онасидан ҳам ақли деб ҳисоблайди, бунинг устига бу бемаъни воситани ичиб қўйса...  
– Худойим, – деб бошини чайқади профессор Лори. – Мен одамларнинг ҳар доим ҳаётдаги юзлаб хавф-хатарлар таҳдид қилишдан кўрқиб яшашини билардим. Лекин ақли бўлиш шу қадар хавфли деб ўйламаган эканман.

Баҳора МУҲАММАДИЕВА таржимаси.

**МАТБУОТ УЙИ**  
**Zarafshon**  
САМАРҚАНДСКИЙ ВЕСТИК

**MUASSIS: Samarqand viloyati hokimligi**

**Bosh muharrir: Farmon TOSHEV**

Gazeta O'zbekiston matbuot va axborot agentligining Samarqand viloyat matbuot va axborot boshqarmasida 2012-yil 30-martda 09-01 raqam bilan ro'yxatga olingan. Nashr 100. Indeks 438. 22 090 nusxada chop etildi. Buyurtma 102. Hajmi 2 bosma taboq, bichimi A-2

**Gazeta haftaning seshanba, payshanba va shanba kunlari chiqadi.**

**QABULXONA: (66) 233-91-51, REKLAMA VA E'LONLAR: (66) 233-91-56**

**BO'LIMLAR: (66) 233-91-57, 233-91-58, 233-91-59, 233-91-61**

**MANZILIMIZ: 140100, Samarqand shahri, Ulug' Tursunov ko'chasi, 80-uy, Matbuot uyi.**

Gazeta «Zarafshon» tahririyatining kompyuter bo'limida sahifalandi.

«Noshir lux» MCHJ bosmaxonasida chop etildi.

**Korxonalar manzili:** Samarqand shahri, Spitamen ko'chasi, 270-uy.

Bosishga topshirish vaqti: soat 18:30 da. Bosishga topshirildi: soat 19:00

**Navbatchi muharrir:**

**G. HASANOV.**

**Navbatchi:**

**T. SIDDIQOV.**

**Sahifalovchi:**

**B. ABDULLAYEV.**



Saytimizga o'tish uchun QR-kodni telefoningiz orqali skaner qiling

ISSN-201667X  
9 177 2010667009  
Sotuvda narxi kelishilgan holda